

**6 - МАВЗУ. МЕҲНАТ
РЕСУРСЛАРИ, БОЗОРИ,
УЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ
ВА МЕҲНАТ
УНУМДОРЛИГИ**

- **Меҳнат ресурслари ва меҳнат унумдорлигининг қишлоқ хўжалигидаги аҳамияти.**
- **Меҳнат ресурсларидан фойдаланиш ва меҳнат унумдорлиги .**
даражасини ифодаловчи кўрсаткичлар, уларни аниқлаш тартиби.
- **Қишлоқ хўжалигидаги меҳнат. ресурслари, улардан фойдаланиш ва меҳнат унумдорлиги даражаси.**
- **Қишлоқ хўжалигида меҳнат бозори ва уни ривожлантириш масалалари.**
- **Меҳнат ресурсларидан фойдланишни яхшилаш, меҳнат унумдорлигини ошириш йўллари.**

- . Меҳнат – бу инсонинг мақсадли фаолияти бўлиб, бу жараёнда у табиат предметларини ўзининг эҳтиёжларини қондириш учун мослаштиради ва ўзгартиради. Ўз кучини қўшгани ҳолда инсон, меҳнат қуролларидан фойдаланиб, табиат берган материалларни, кишиларнинг моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондирадиган моддий неъматларга, бойликларга айлантиради.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш самарадорлиги меҳнат ресурсларининг миқдorigа, таркибига, малакасига ва улардан фойдаланиш самарадорлигига боғлиқ. Қишлоқ хўжалигида меҳнат ресурсларига меҳнатга яроқли эркеклар -16 дан 60 ёшгача, аёллар -16 дан 54 ёшгача, шунингдек қишлоқ жойда яшовчи ўсмирлар ва нафақахўрлар киради.

- **Қишлоқ хўжалиги корхоналарида меҳнат ресурслари таркибига**
- **Доимий;**
- **Мавсумий;**
- **Вақтинчалик ишчилар, шунингдек, штатда турувчи;**
- **Ўсмирлар;**
- **Нафақахсёрлар кирадилар.**

Шу жумладан:

- **Доимий ишчиларга - муддатсиз ишга қабул қилинганлар;**
- **Мавсумий ишчилар - 6 ойгача муддатга қабул қилинганлар;**
- **Вақтинчалик ишчиларга - 2 ойгача муддатга қабул қилинганлар киритилади.**

Қишлоқ хўжалиқда меҳнат ресурсларининг шаклланиш ва фойдаланишнинг асосий хусусиятлари қуйидагилар:

- Биологик ишлаб чиқариш воситалари, тирик организмлар - тупроқ, ўсимлик, ҳайвонларни ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш учун ходимлар меҳнати мазмунининг йўналтирилганлиги. Меҳнат ресурсларидан фойдаланишнинг самарадорлиги табиий, хусусан, ернинг умумдорлиги ва об-ҳаво иқлим шароитларига боғлиқ.
- Кўп ходимларнинг бир қанча меҳнат вазифаларини бажариши.
- Ишлаб чиқариш жараёнида ер, моллар ва бошқа ресурсларнинг мустақил эмаслиги.
- Меҳнат жараёнларининг ўз-ўзини бошқариши.
- Ходимлар даромадининг оесимликчиликда ва чорвачилиқда пировард иқтисодий натижаларга боғлиқлиги.
- Ходимлар даромадининг фақат ижтимоий хўжалиқда эмас, балки шахсий деҳқон хўжалигида ҳам қўлланилиши.

Қишлоқ хўжалигида меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини баҳолаш учун кўрсаткичлар системасидан фойдаланилади. Бу кўрсаткичлар 3 гуруҳга бўлинади:

- Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига меҳнат ресурсларини жалб қилиш даражаси;
- Иш кучидан иш вақтида тўлиқ фойдаланиш;
- Иш кучидан фойдаланиш самарадорлиги;

1- ва 2-гуруҳ кўрсаткичлар меҳнат ресурсларидан экстенсив фойдаланиш даражасини характерлайди. 3-гуруҳ кўрсаткичлар эса меҳнат ресурсларидан интенсив фойдаланишни характерлайди.

меҳнат ресурсларидан фойдаланиш коэффиценти(МРФК)дир.

У ўртача йиллик ходимлар сонини мавжуд меҳнат ресурслари миқдорига бўлиб ҳисобланади.

$$\text{МРФК} = \frac{\text{ЎрЙХС}}{\text{МРМ}};$$

Иш кучидан иш вақтида тўла фойдаланишни акс эттирадиган кўрсаткичлар қуйидагилар:

а) ҳақиқатда 1 ходим томонидан ишланган киши/кунлари миқдори – ҲИКК (ўртача меъёрда 285 кун).

$$\text{ҲИКК} = \frac{\text{Жами к/к}}{\text{ЎрЙХС}};$$

б) Иш кучидан фойдаланиш коэффиценти (ИКФой.К).

Ҳақиқатда йил давомида бажарилган киши-кунлари миқдорини меъёрдаги мумкин бўлган иш вақти фондига нисбати билан топилади:

$$\text{ИКФой.К} = \frac{\text{Хк/к}}{\text{Мк/к}};$$

в) Иш кучидан фойдаланишнинг тўлиқ коэффиценти (ИКФойТК) . Ҳақиқатдаги соф иш вақтини (к/с) мумкин бўлган иш вақти фондига нисбати билан топилади (7-соатлик иш кунда):

$$\text{ИКФойТК} = \frac{\text{СИВ(к/с)}}{\text{МБИВ}};$$

г) Иш кучидан фойдаланишнинг умумий коэффиценти (ИКФойУК).

ИКФойК ни ИКФойТК га кўпайтириб топилади.

$\text{ИКФойУК} = \text{ИКФойК} * \text{ИКФойТК};$

- **Меҳнатнинг унумдорлиги даражаси.** Унинг мутлақ (абсолют) даражасини аниқлаш учун ҳақиқатда сарфланган жами иш вақти миқдорини шу даврда ишлаб чиқилган маҳсулот миқдorigа, қийматига ҳамда бажарилган иш ҳажмига тақсимлаш зарур. Бу меҳнатни тежаш иқтисодий қонунининг талаби.
- Амалиётда эса у ҳақиқатда ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг, бажарилган ишнинг миқдори ёки қийматини унга сарфланган иш вақтига тақсимлаш натижасида аниқланмоқда. Бундай усулда улар бир-бирларини инкор этмайди, балки тўлдиради. Уларни аниқлаш учун ушбу формуладан фойдаланиш мумкин:

$$M_y = \frac{EM}{CB} \text{ ёки } \frac{CB}{EM}$$

- Бунда: M_y —меҳнатнинг унумдорлик даражаси, киши-куни, соати, сўм;
- CB —маҳсулот етиштириш, хизмат кўрсатиш учун сарфланган иш вақти, киши-куни, соатда;
- EM —сарфланган вақт ичида етиштирилган маҳсулот, ц, сўм.